Туркистон бир, ватан бир

# Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1994 йил 19 февраль • Шанба • № 14 (14175) ترکستان TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

# ДЕҲҚОНЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ— ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ЙИҒИЛИШИ

18 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазири А. Муталов бошқарди.

Мажлисда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар, чорвачиликда ислоҳотни такомиллаштириш ва фермер хўжаликларига зарур шарт-шароит яратиш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Республика Президенти Ислом Каримов мажлисда нутқ сўзлади.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини юксалтириш долзарб масалалардан биридир. Зеро, келажагимиз, мустақиллигимиз тақдири кўп жиҳатдан иқтисодий ислоҳотнинг қишлоқда қандай жорий этилишига боғлиқдир.

Ислоҳотни кенгайтириш, фермер, шахсий ва ширкат хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бугуннинг асосий вазифасидир.

Бизда эса деҳқончилик самарадорлигини ошириш учун мавжуд шарт-шароитдан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Республикамизда бошланган иқтисодий ислоҳот, хусусийлаштириш, деҳқон (фермер) хўжаликлари ташкил этиш бу соҳадаги имкониятларни ишга солиши шубҳасиздир.

Қашқадарё вилояти Усмон Юсупов туманидаги ширкатлар жамоаси раиси Ш. Чориқулов, Жиззах вилояти Бахмал тумани фермери Т. Каримов, Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани фермери И. Назаров, Сурхондарё вилояти Музробод туманидаги деҳқончилик-фермерлар уюшмаси бошлиғи И. Шойиматов сўзга чиқиб, иш тажрибалари тўғрисида, ислоҳотни татбиқ этишдаги мавжуд муаммо ва камчиликлар хусусида сўзладилар.

Мажлисда халқ хўжалиги тармоқларининг 1993 йилдаги иш якунлари ва республикада иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди.

1993 йили иқтисодий ислоҳотнинг биринчи босқичи якунланди. Давлат уй-жой мулки аҳолига хусусийлаштириб берилди. Зарар кўриб ишлаётган давлат хўжаликларининг деярли барчаси мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказилди. Республикада бозор иқтисодиётини шакллантириш, халқ хўжалигини таркибий қайта қуриш ва иқтисодий мустақиллигимизнинг пойдевори бўлган асосий тармоқларни ривожлантириш, иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш давом эттирилди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш, капитал қурилиш соҳасида муайян ютуқлар қўлга киритилди. Давлат бюджети даромад ва харажат қисмларининг мақбул нисбати таъминланди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирлари изчил амалга оширилди.

Бироқ айрим вазирлик, концерн, корпорация ва уюшмалар, вилоятлар иқтисодий қайта ўзгартишлар ва бозор муносабатларини жорий этиш борасида сусткашликка йўл қўйди.

Халқ хўжалиги тармоқларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш баъзан расмият учун амалга оширилди.

Банк муассасаларидаги камчиликлар, айрим туманларда давлат солиғи тўлашдаги нуқсонлар танқид қилинди.

Мажлисда иқтисодий сиёсат тамойилларининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш, бозор муносабатларини жорий этиш, ислоҳотнинг барқарорликка ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётга таъсирини кучайтириш асосий вазифа экани қайд этилди.

Мазкур масала муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш. Гатаулин, республика Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов, Навоий вилояти ҳокими А. Айдарқулов сўзга чиқди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлиси муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов иштирок этди.

## ПРЕЗИДЕНТ МАКТУБИ ТОПШИРИЛДИ

Жиззах тумани Ҳамроқул Носиров номидаги жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Низомиддиновлар оиласи Президентимиз Ислом Каримовга мактуб йўллаб, юртбошимизнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фуқаролар ҳаётини фаровон қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қизғин қўллаб-қувватлаб, унинг келгусидаги ишларига катта ривож тилаган эди.

Вилоят ҳокимлигида ана шу оилага Президентимизнинг жавоб мактуби топширилди. Мактубни республика уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси Б. Раҳимов ўқиб берди. Оиланинг тўнғич фарзанди Бахтиёр Низомиддинов жавоб мактуби учун юртбошимизга сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этди.

## ДИЛАФРЎЗНИНГ ҚУВОНЧИ

Термиз тумани «Янги ариқ» жамоа хўжалигидаги Абдулла Қаҳҳор номли 17-ўрта мактабнинг 4-синф ўқувчиси Дилафрўз Тошқулова Президентимиз Ислом Каримовга хат йўллаб, Ўзбекистоннинг келажаги бўлмиш ёшларнинг комил инсон бўлиб камол топиши йўлида катта ғамхўрлик ва меҳрибонлик қилаётгани учун юртбошимизга миннатдорлик билдирган эди.

Куни кеча мактабда Дилафрўзга ўқитувчи ва ўқувчилар, жамоатчилик вакиллари иштирокида мамлакат Президентининг дил сўзлари, самимий истаклари битилган ташаккурномаси топширилди. Дилафрўз, унинг дугоналари, синфдош ўртоқлари, ота-оналар, мактаб жамоаси ҳаётида унутилмас воқеа бўлган бу маросим ҳақиқий байрамга айланди.

(ЎзА).



СУРАТДА: йиғилиш пайти.



Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат (ЎзА).

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ЙИҒИЛИШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли ўртоқлар!

Қишлоқ хўжалигининг ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида кўп гапирамиз, мунозара қиламиз.

Бугун жамиятимиз шуни англаб олдики, ҳаётимизни яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, иқтисодиётимизнинг самарадорлигини ошириш, халқимизни боқиш, истиқболимизни режалаш — хуллас, қандай муаммо, қандай масалани кўрмайлик, уларнинг аксарияти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигиға бориб тақалади. Ҳаммамизни боқадиган, озиқа берадиган соҳа—қишлоқ хўжалиги тармоқларидир.

Мана шунинг учун ҳам, модомики, фаровон ҳаёт қурмоқчи эканмиз, олдимизга халқ турмушини яхшилаш мақсадини қўйган эканмиз, иқтисодий ислоҳотни аввало қишлоқ хўжалиги, қишлоқ ҳаёти соҳасидан бошлашимиз зарур.

Ислоҳот ҳақида гапирганда, мақсадларимизни белгилашда кейинги бир-икки йил мобайнида муҳим бир ҳақиқатни англаб олдик: ислоҳот ислоҳот учун қилинмайди, ислоҳот номига қилинадиган иш эмас, ҳар қандай ислоҳот биринчи навбатда инсон манфаатларини кўзлаб, ҳаётимизни янги босқичга кўтариш учун амалга оширилади.

Маълумки, халқимизнинг 60 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларида яшайди. Шундай экан, ҳамма ташвишларимизни, муаммоларимизни ечишни қишлоқ хўжалиги соҳасидан бошлаш керак эмасми?

Демак, мақсад — қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш, қишлоқда яшаётган халқимизнинг ҳаёт даражасини кўтариш, улар учун муносиб шарт-шароитларни яратишдан иборат бўлмоғи керак.

Бунинг учун нима қилиш лозим?

АВВАЛО, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, ишсиз юрганларни ва доимий унумли иш билан банд бўлмаганларни (ҳисоб-китоб бўйича, бундай кишилар икки миллионга яқин) ишлаб чиқариш соҳаларига жалб этиш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш зарур.

Бир қарашда бу вазифа инсон хаёлига сиғмайдиган даражада улкан ва оғир кўринади. Аммо бизда бу муаммони ечиш йўли аниқланган.

Республикамизда ишлаб чиқариш соҳасида 6 миллион 300 минг киши банд. Шулардан 3 миллион 700 минг киши қишлоқ хўжалигида ишлайди. Ривожланган давлатларда эса қишлоқ хўжалигида ҳаммаси бўлиб аҳолининг 5—6 фоизигина банд бўлади. Улар етиштирган маҳсулот ўз мамлакати эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан, четга ҳам экспорт қилинади. Хўш, биз бу муаммони қандай ҳал қиламиз? Қишлоқ хўжалигида банд бўлган одамларнинг барчасига ер, сув, техника воситаларини етказиб бера оламизми? Уларнинг барчасига иш топиб бера оламизми?

Бу масала нафақат иқтисодий, балки сиёсий масалага айланмоқда. Менинг фикримча, бу муаммони ҳал қилишнинг йўли битта: қишлоқ хўжалигида **унумли ишлайдиган** кишилар қолиши керак, қолганлари бошқа соҳаларга — саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб этилиши лозим. Бизда аҳолининг 9 фоизигина хизмат кўрсатиш тармоқларида машғул, чет элларда эса бу рақам 60—70 фоизни ташкил этади. Энди бизга бир пайкалга юз кишини қўйиб, унумсиз меҳнат қилишнинг кераги йўқ.

БИРИНЧИ НАВБАТДА саноатни, хизмат кўрсатиш соҳаларини қишлоққа олиб келишимиз, маҳсулотни қайта ишлайдиган ихчам корхоналарни қишлоқ заминига жойлаштиришимиз керак.

Кейинги бир-икки йилда ана шу масалани ечиш борасида Ўзбекистонимизда қилинаётган ишларни кўздан кечирсак, ҳар бир юртпарвар инсоннинг қалби қувонади, албатта.

Лекин биз бошлаган бу ишлар катта муаммони ҳал этиш йўлида ташланган дастлабки қадамлардир. Буни очиқ тан олишимиз керак. Бу олижаноб мақсадни ўз зиммасига олган хўжалик ва жонкуяр инсонларга давлат ва ҳукумат ўз ёрдамини, кўмагини бериши лозим.

Айни пайтда сув ва иссиқлик, электр нури, темир йўл ва автомобиль йўллари, умуман коммуникация ва қулайликлар етиб бормаган бўм-бўш чекка қишлоқларимиз ҳам мавжуд. Уларни обод қилиш учун давлатимиз марказлаштирилган жамғармалардан маблағ ажратиши керак. Қурувчилар кучини ана шу ёққа йўналтиришимиз зарур. Бу иш дастлабки берадиган ёрдамимиз бўлур эди.

Шу ҳаракатни жонлантириш ва кўмак бериш мақсадида, ўйлайманки, бугунги вазиятда эндигина иш бошлаб, кучга кираётган кичик корхоналарга солиқ масаласида ҳам муайян имтиёзлар берсак, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини кўпайтириш, шу тармоқ самарасини юксак даражага кўтариш имкониятларининг чегараси йўқ, деб ўйлайман.

Биз чет элларда бўлганимизда гўзал диёримизни, она заминимизни таърифлар эканмиз, «Бизнинг юртимизда йилига уч марта ҳосил олса бўлади», деб айтамиз. Ажнабий дўстларимиз ҳар гал ҳайратга тушадики, бундай жаннат жой қаерда экан, деб!

Аслида ҳам шундай. **Дунёда ўзбек заминига тенг келадиган заминнинг ўзи йўқ. Ўзбек деҳқонига тенг келадиган заҳматкаш ҳам дунёда топилмайди!**

Лекин, азиз биродарлар, шундай имконимиз бўла туриб, ўша айтилган уч карра ҳосилни оляпмизми? Афсуски, йўқ. Ҳалигача ўша даражага етишни орзу этиб юрибмиз, холос.

Биз ишлаб чиқариш унумдорлигини ўстириш, иш жараёни самарасини ва пировард натижаларни жадаллаштириш мақсадида кўп муаммо ва масалаларга танқидий кўз билан қарашимиз лозим.

БИРИНЧИДАН, бизни боқадиган мана шу ер, мана шу тупроқ. Унинг унумдорлигини оширишимиз керак. Бунинг учун эса, энг аввало, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни, ирригация ишларини устивор мақсад деб қарашимиз шарт.

ИККИНЧИДАН, қишлоқ хўжалигини замонавий технология, техника ва ускуналар билан таъминлаш ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш имконияти ва сифати деҳқонларни қониқтирадиган даражада бўлиши керак. Агар лозим бўлса, уларни техника, ўғит ва бошқа керакли жиҳозлар билан арзонроқ, имтиёзли тарзда таъминлашимиз зарур.

Лекин, ўртоқлар, бугунги куннинг энг муҳим вазифаси аграр соҳани, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бутун иқтисодиётимизни ҳал қилувчи масала, бу — одамларимизнинг ишга, меҳнатга муносабатини тубдан ўзгартиришдир.

Бу масаланинг ечими — мулкчилик шаклларини ўзгартиришда, мулкни ўз эгасини топиб, унга беришдадир.

**Қисқа қилиб айтганда, мулк деган нарса, ишлаб чиқариш воситалари ўзининг ҳақиқий эгасини топиши керак. Деҳқон ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотга ўзи тўлиқ эгалик қилиши даркор.**

Ана шундагина ишлаб чиқаришнинг шакли, мазмуни, туб маъноси ўзгаради, унинг самараси ва натижалари кўзланган мақсадларга жавоб беради. Яъни, ривожланган, тараққий топган давлатлар қаторида ўзимизни кўришни истасак, унда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш учун халқимизнинг 55-60 фоизи эмас, балки 5-10 фоизи банд бўлиши кифоя қилади. Шунда ҳам биз кутган даромад чиқади, ҳам фаровон ҳаёт таъминланади. **Деҳқон бадавлат бўлса, юртимиз обод бўлиши муқаррардир. Бу ҳақиқатни ҳаммамиз қулоғимизга яхшилаб қуйиб олишимиз керак.**

Охирги икки йил бекорга кетмади, у биз учун катта мактаб бўлди. Шу вақт давомида республикамиз ҳаётида, жамиятимизнинг ижтимоий ҳолатини ўзгартириш, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида эришган тажрибамиз ва, энг муҳими, қўлга киритган ижобий натижаларимиз Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли борлигини, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳам амалга оширилаётган тадбирларимиз тўғри эканини тасдиқлаяпти. Буни халқимиз, кенг жамоатчилик яхши англаяпти.

Айрим чет эл арбоблари ва матбуот вакиллари ҳам бугунги кунда Ўзбекистон тутган йўл эски маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор муносабатларига ўтишда энг маъқул, энг пухта ўйланган ва энг ижобий йўл эканини очиқ тан оляпти. Мен бу гапни мақтаниш учун эмас, аксинча, сизу биз танлаган ва оғишмай амалга ошираётган ислоҳотдан фахрланишимиз учун айтяпман.

Республикамизда қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар қишлоқ хўжалиги соҳасида мулкчилик шаклларини ўзгартириш, хўжаликларга кўпроқ эркинлик бериш, деҳқон (фермер) хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиш масалаларида муҳим омил бўлиб, ҳаётимизда ўз самарасини бераяпти.

Асосан охирги икки йил мобайнида ташкил қилинган 14 мингдан зиёд фермер хўжалиги фаолияти, кўпчилик давлат хўжаликларининг фермалар-нинг мулкчилик шаклини хусусий, ҳиссадорлик, жамоа ва ижара мулки шаклига ўзгартириш ўз афзаллигини исботлади. Улар бу йўлнинг тўғрилигини унумли меҳнат натижалари билан оқлаяпти.

Бугун республика қишлоқ хўжалиги, шу жумладан, чорва, пилла, полиз, узумчилик, картошка етиштириш тармоқлари маҳсулотининг 60—70 фоизини давлат тасарруфидан чиқарилган хўжаликлар тайёрлаб бераётгани ана шу ҳақиқатнинг яққол далилидир.

Иқтисодни эркинлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя этиш ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳақида яқинда қабул қилинган фармон республикамизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотни сифат жиҳатидан юксак босқичга кўтарадиган, ҳар бир ишбилармон ва тадбиркор учун кенг имкониятлар очадиган, жаҳон бозорига чиқиш йўлимизни кенгайтирадиган, эски маъмурий-буйруқбозлик замонидан қолган тўсиқларни олиб ташлайдиган муҳим бир қарор бўлди, деб айтсак янглишмаймиз, албатта.

Қишлоқ хўжалик соҳасида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотни мазкур фармон кўзи билан танқидий таҳлил қилсак, бу ерда ўтирган кўпчилик раҳбар, мутахассис ва фаолларимизда жуда кўп фикрлар пайдо бўлиши табиий деб ўйлайман.

Қишлоқда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ва меҳнат самарадорлигини ошириш мақсадида ўтказилаётган ислоҳотнинг кўпгина нуқсон-камчиликлари, ҳал этилмаган муаммолари ҳақида хулоса чиқариш ва шу масалалар бўйича замон талабларига мос келадиган, пухта ўйланган қарорларни қабул қилиш вақти келди.

**Авваламбор, ислоҳотни жорий қилишдаги тўсиқ ва жиддий нуқсонлар ҳақида.**

1. Бу борадаги энг катта душманимиз, бу — ҳар қадамда учраётган расмиятчилик, кўзбўямачилик, ишимизга юзаки қарашдир.

Кўп жойларда хўжаликларда бозор иқтисодиётини, унинг асл моҳиятини, шарт ва талаблари, маъно ва мазмунини англамай туриб, давлат мулкини шунчаки номига, расмиятчилик учунгина жамоа, ширкат, ижара, ҳиссадорлик ва хусусий мулкка айлантириш ҳолларига дуч келаяпмиз.

Айрим вилоят ва туманларда ҳисобот бериш учун, кўрсаткич учунгина қилинаётган бундай ишларни катта афсус билан таъкидлаш мумкин.

Янги ном ва шаклга эга бўлган хўжаликларда иш услуби ва меҳнатга муносабат ў з г а р м а ё т г а ни, ишчиларни рағбатлантириш, меҳнатга ҳақ тўлаш, иш бошқариш эскича қолганини, энг ёмони ишловчилар ўзларини ишлаб чиқариш воситалари ҳамда чиқарган маҳсулотларининг эгаси сифатида ҳис этмаётганлари, бунинг оқибатида ишга муносабатлари ва топилган даромадга қарашлари мутлақо ўзгармаётганини энг ачинарли ҳол деб биламан.

Барча камчилик ва самарасизликлар айни мана шундай аҳволдан келиб чиқиши турган гап.

Расмиятчиликнинг, тўрачиликнинг, бюрократликнинг энг тарқалган бир кўринишини олиб қарайлик.

Кўпчилик туман ва хўжалик раҳбарлари Президентнинг махсус фармони чиққанидан кейин, шунчаки рапорт учун фермерлар сонини кўпайтиришга киришдилар. Бешта қорамоли бор одамларнинг барчаси «фермер» деб ёзилди. Сўнгра, фермерлар сони шу тарзда сунъий кўпайганидан кейин, умумий ҳисоб-китобга келганда, ўртача кўрсаткич жуда паст бўлиб қолаверди. Ана ундан кейин, айрим ўтмишни қўмсаган раислар: «фермерликнинг самараси кўнгилдагидек эмас!» деб нолишга ўтдилар.

Бугун ҳақиқий, ишнинг кўзини биладиган, насл танийдиган, унумдорлик нималигини амалда исботлаган фермерларнинг ўзи талаб қиляптики, барака топгурлар, келинглар, бизларнинг мақом ва низомларимизни аниқ белгилаб беринглар, лоақал ўттизта йирик қорамоли бўлган одамгина фермер деб ҳисоблансин!

Бу жуда ҳақли талаб, бешта қорамоли бўлиб, ўзини фермер сонига қўшган одам билан элликта, юзта бурдоқи ёки сермаҳсул соғин сигирни боқаётган ҳақиқий фермерни бир ўринга қўйиш адолатдан эмас. Муносабат меҳ-

(Давоми 2-бетда).

# ДЕҲҚОНЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ — ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

нат ва маҳсулот кўламига яраша бўлиши керак.

Ҳукумат қарори билан фермерларга ер ажратилди, лекин маҳаллий ҳокимлар ва хўжалик раҳбарлари бу ерни ўзларича аяган бўлдилар. Кўпинча фермерларга тупроғи унумсиз ёки тошлоқ жойлардаги ташландиқ ерларни ажратдилар. Бу нарса айрим . раҳбарларнинг ҳалига қадар бозор иқтисодиёти қонунларини тушуниб етмаганидан, уларнинг фермер аҳлига яхши кўз билан қарамаётганидан дарак беради. Бугун бу ҳолга чек қўйиш муддати келди.

**Фермер — бугунги жамиятнинг энг фаол аъзоси. Фаолгина эмас, энг ишончли аъзоси.** Бу ҳақиқатни раҳбарлар ўнг қулоғи билан ҳам, чап қулоғи билан ҳам эшитиб олсин. Агар керак бўлса, айрим хўжалик раҳбарлари иш юритишни фермер халқидан ўргансин. Қайси кунги кенгашда бир сурхондарёлик ёш фермер айтди: «Колхоз менга ер бермади, қўшни туманга бориб сомоннинг килосини икки ярим сўмдан сотиб олиб келдим, колхознинг 450 гектар бедаси бор, лекин бугун уларнинг ғамлаган озуқаси тугади, менга келиб, сомоннинг килосини юз сўмдан сот, деб ялиниб ўтирибди!».

Бундай ҳолларни кўп жойларда кўриш мумкин. Бир томонда — бепарволик, лоқайдлик, эгасизлик, иккинчи томонда — ташаббус ва изланиш, ҳар қандай оғир аҳволдан ҳам чора топиб чиқиб олиш қобилияти!

**Яна такрорлаб айтаман: мулк эгасини топган тақдирдагина ишда унум бўлади, натижа бўлади, фойда бўлади!**

Ёки банклар билан фермерлар муносабатини олиб кўрайлик. Фермер молнинг яхшисини фақат бозордан олиши мумкин. Ўз ҳисоб счётидан нақд пул сўраб банкка борса, у ерда «Перечисление йўли билан берамиз», деб айтишади. Бозорда нақд пулсиз савдо қилиб бўлмаслигини банк ходими билмайди, деб ўйлайсизми? Билади, жуда яхши билади. Нақд пул беради ҳам, лекин аввал «шапка»сини олиб, кейин беради!

Бу аҳволга ортиқ чидаш мумкин эмас. Биз бу аҳволга чек қўямиз. Керак бўлса, **таъмагирларнинг нафсини** жиловлаш учун Миллий хавфсизлик хизматини жалб этамиз, жиддий, қаттиқ, аёвсиз чораларни кўришдан ҳам қайтмаймиз.

2. Ислоҳот йўлидаги барча ҳаракатларимизни йўққа чиқарадиган яна бир сабаб, бу — республика давлат бошқарув идоралари, иқтисодий ҳукмрон ташкилотлар, вазирлик, концерн ва уюшмалар, шу жумладан, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумс а н оат» концерни раҳбарияти, вилоят, туман ҳукмдорлари фаолиятида хўжаликларга нисбатан эскидан қолган маъмурий-буйруқбозлик, қотиб қолган зўравонлик усулларини ишлатиш, ҳисобот сўраш, янгича иш юритмоқчи бўлган хўжаликларни эски қолипларга киритиш ҳаракатлари барҳам топмагани-дир. Бунга ҳам биз тегишли баҳо беришимиз зарур.

Биз махсус қарор билан давлат буюртмасини бекор қилсак, баъзи вазирликлар ва идоралар ўзларининг буюртмасини ўйлаб чиқариб жорий этяпти. Совет тузумидан қолган бундай иш услубидан воз кечиш керак.

Бундай иш услублари ва ҳаракатлар, аввалам бор, жойлардаги масъул вазифаларда ўтирган раҳбар ва мутахассисларнинг ўз билимини оширмаганлигидан, бугунги замон талабларига жавоб бермаслигидан, малакаси етишмаслигидан, суяги эски тизим пайтида қотиб қолганидан далолат беради.

Биз яқинда шундай қарорга келдик: ҳар қайси вилоят ва туман раҳбарларини чет элларга юборамиз. У ерлардаги хўжалик юритиш тарзини, фикрлаш йўсинини, меҳнатни ташкил қилишни кўришимиз, ҳар томонлама ўрганишимиз керак. Манфаатли, фойдали битимлар тузиш даркор. Мабодо бу ишлар бугун натижа бермаса, эртага самара бериши муқаррардир.

Шуни очиқ айтиш керакки, расмиятчилик, кўзбўямачилик ва билим ҳамда масъулият етишмаслиги билан бирга айрим жойларда масъул ходимлар томонидан янгиликларга мутлақо зид ёндашувлар содир этилаётганини кузатиш мумкин. Бозор иқтисодиёти йўлида қилаётган ҳаракатларимизнинг афзаллигини ва обрўсини оддий меҳнатчилар кўзи олдида пастга уришга ҳаракат қилиш ҳоллари ҳам кам эмас.

3. Қишлоқ хўжалиги тармоғида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳот борасидаги яна бир муҳим масалага алоҳида эътибор бериш керак.

Деҳқон (фермер) хўжаликлари сонини кескин оширишда, уларнинг меҳнат самарадорлигини ва пировард натижаларини кўпайтиришда ечимини кутаётган муаммо ва масалалар бор.

Шулардан бири, фермер (деҳқон) хўжалиги ва шу хўжалик ташкил қилинган ерда фаолият кўрсатаётган давлат ёки жамоа хўжаликлари, совхоз, колхоз ширкатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқ бир йўлга қўйиш, уларнинг алоқаларини ҳуқуқий замин асосига қуриш зарур.

Биз буни хоҳлаймизми ёки йўқми, лекин кўпчилик жойларда ислоҳотни татбиқ этишда ҳамма нарса айрим юқори поғонада ўтирган бюрократ шахсларга, уларнинг кайфиятига боғлиқ бўлиб қолган.

Иқтисод, моддий манфаат четда қолади-ю, жумбоқларнинг ечилиши баъзи бир раҳбар шахсларнинг дунёқарашига, бозор иқтисодиётига ва замон талабига қарашларига тақалиб қолаётган ҳолларни кўриш мумкин.

Хусусий мулк эгаси ёки ҳиссадорлик мулкига ўтган хўжалик фаоллари ҳукмдор остонасида ялиниб, сўраб юрмасдан, ҳар доим қонундан мадад топгани маъқул.

Ҳаётимиз, иқтисодиётимизнинг манфаати ва келажаги чамбарчас боғлиқ бўлган ислоҳот ўтказилаётган бир пайтда, тақдиримизни айрим расмиятчи шахс қўлига топшириб қўймасдан, у ким ва қайси лавозим эгаси бўлмасин, барча ҳолларда қонуний асосга, аксарият жамиятимизга маъқул бўлган низом ва бошқа қарорларга таяниб иш юритишимиз даркор. Бу — ҳар қайси ҳуқуқий давлатнинг тажрибасидир.

Айни масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор. Агар биз ўз вазифасини суиистеъмол қилиб, ўз манфаатини ўйлаб, нафс балосига гирифтор бўлиб юрган айрим мансабдорларнинг сонини камайтирмоқчи б ў л с а к, уларнинг насибасини кесиб қўймоқчи бўлсак, қонуний, ҳуқуқий ҳужжатларимизни тез тайёрлаб, тезроқ қабул қилишимиз керак.

4. Ечилмаган муҳим муаммолардан яна бири, бу жамоа, ширкат, фермер хўжаликлари учун, деҳқонларимиз учун қишлоқ жойларда қулайлик яратиш; хизмат кўрсатувчи ташкилотларни кооперация асосида ишлайдиган тижоратчиларни уюштириш, бир сўз билан айтганда, қишлоқда керакли шарт-шароитни бунёд этишдан иборатдир.

Бундай ташкилотлар иши-ни — банк ва суғурта муассасаларидан бошлаб, маиший хизмат, савдо хизмати, техника ускуналари ва мосламалари, уруғ ва ўғит таъминоти, ветеринария ва зоотехника хизматини — йўлга қўйиш каби муаммолар ҳам ўз ечимини кутиб турибди.

Агар тайёрлов ташкилотларини олиб қарасак, уларнинг кўпчилиги ҳамон эски, марказлаштириш давридан қолган сарқит услубларда ишлаяпти. Улар аввал ўзининг фойдасини, ўзининг даромади ва манфаатини ўйлайди, холос.

Шу борада қуйидаги масалаларни ечиш лозим:

— ким кимга хизмат қилиши керак?

— ким кимнинг ортидан юриши лозим?

— асли ким кимни боқади?

— ким кимдан манфаатдор бўлиши керак?

— деҳқонлар улар учун меҳнат қиладими ёки буларнинг барчаси деҳқонга хизмат қилиши керакми?

— ким кимнинг орқасидан кун кўради?

Агар хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайдиган кўпчилик раҳбар ва фаоллардан шуларни сўрасангиз, аксарияти тўғри жавоб беролмайди. Нима деганда, уларнинг кўпчилиги эски тизим заминида тарбия олган. Улар бир муҳим ҳақиқатни англамайдики, агар деҳқон бақувват, бадавлат, кучли бўлса, деҳқоннинг ошиғи олчи келса, бундан хизмат ташкилотларининг ҳаммаси ҳам ўз манфаатини кўриши мумкин.

Мана, биргина ўтган мавсумнинг аччиқ тажрибасини олайлик. Республикамизнинг барча туманларида, хўжаликларида, Фарғона водийсини оласизми, Тошкент, Жиззах, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларини оласизми, деҳқонларнинг пешона тери ва маҳорати билан мўл ҳосил етиштирилган эди. Аммо табиат инжиқлиги уларга зарар етказди, ҳосилнинг кўп қисми далада қолиб кетди. Етказилган зиённи, йўқотилган даромадни ким қоплайди?

Бугунги давлат суғурта бошқармаси ва унинг жойлардаги ташкилотлари агар қопласа ҳам, худди ўзининг киссасидан бергандек, товоннинг маълум бир қисмини катта азоб-уқубатдан кейин хўжаликларга қайтариши мумкин, лекин буям гумон.

Тараққий топган давлатлар тажрибасини олсак, эркин иқтисодиёт шароитида яшовчи хўжаликларни мисол келтирсак, суғурта тизимининг нохуш келган мавсумларда етказилган зарарни қоплаш тажрибаси ва тартиби мутлақо бошқача.

Чорвадор-фермерлари м и з билан кўп гаплашамиз. Уларга ихчам сут заводлари, пишлоқ цехлари, колбаса чиқарадиган тармоқлар жуда керак. Сир эмас, сутчиликка ихтисослашган айрим фермерлар сутга харидор тополмай, топширмоқчи бўлган сути йўлда ачиб қолиб, ноиложликдан гўшт етиштириш йўлига ўтишга мажбур бўлди. Нима, халқимизга сут гўштга нисбатан камроқ керакми?

Ҳамма нарса керак. Ҳамма нарсанинг ўз харидори топилади. Аммо маҳсулотни қайта ишлаш учун шароит яратилмас экан, фермерларимизнинг оворагарчилиги тугамайди. Ҳар ким ўз ишини қилиши керак. Фермер сут етиштирадими, отасига балли, у етиштирган сутни ўз вақтида харидорга етказиб берадиган ёрдамчи тайёрлов ташкилотлари, воситачи сервис ширкатлари бўлмоғи шарт. Бу мақсадни тўлиқ амалга оширишни биз ўзимизнинг қатъий вазифамиз деб билишимиз лозим.

Бугунги кунда аҳвол қандай? Фермерлар «Ўзинг учун ўл, етим!» деган қабилда ҳаракат қилишга мажбур. Ахир, ўзингиз ўйланг, у соғин сигирларга қарасинми ёки соғилган сутига харидор излаб уёқдан-буёққа югурсинми? Агар унинг сутни қайта ишлаб, сариёғ, қаймоқ, пишлоқ, сузма каби маҳсулотлар чиқарадиган ихчамгина цехи бўлса, олам гулистон эди!

Деҳқон (фермер) хўжалигига, янги тузилаётган ҳиссадор ташкилотларга техника керак, қурилиш материаллари керак, ем керак, хашак керак, эҳтиёт қисмлар, гаров эвазига ва узоқ даврга бериладиган чекланмаган банк кредити керак. Кенг кўламда ишни бошламоқчи бўлган ёки ишни бошлаб қўйган шундай хўжаликлар айни пайтда хизмат кўрсатадиган ташкилотлар кўмагига муҳтож.

Уларга ёрдам бериш учун бурчли ташкилотлар, хусусан, моддий-техника таъминоти қўмитаси, «Тадбиркор» банки ва бошқа банклар, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат», «Узсельхозхимия», Қишлоқ хўжалик фанлари академияси ва бошқалар, шулар қаторида ва балки биринчи навбатда маҳаллий ҳокимликлардан ҳам ҳалоллик ва чинакам холислик талаб этилади.

5. Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётган иқтисодчи олимлар ҳақида алоҳида гапириб ўтсак, ўринли бўлар деб ўйлайман.

Иқтисодчи олимларимиздан биз қишлоқда кўп тармоқли иқтисодиётни барпо этиш, деҳқонларнинг юқори унумли меҳнатдан манфаатдорлигини ошириш йўллари ва усуллари тўғрисида аниқ таклифлар кутамиз. Афсуски, бундай тавсиялар бугун йўқ.

Энг қизиғи шундаки, Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг юздан ортиқ хўжалиги бўла туриб, бирортасида ҳам йирик иқтисодий тажриба ўтказилгани йўқ. Буни қандай тушунса бўлади?

6. Яна бир фикрга тўхталиб ўтишимиз керак. Давлат маблағи билан хўжаликлар топган маблағни ажратиб қўйиш лозим. Деҳқон топган маблағ ва бойликларга кўз олайтириш, деҳқон бўйнига ҳар хил боқиманда ташкилотларни мажбуран осиб қўйиш, уларни деҳқон ҳисобидан боқиш асло чидаб бўлмайдиган ҳолдир!

Фермерлар — аграр ислоҳот тизимининг биринчи қалдирғочлари. Уларнинг қанотини синдирмайлик. Уларни асраш, авайлаш, парваришлаш керак. **Фермерларимиз кўрсатилган бир яхшиликка минг яхшилик билан жавоб қайтаришига имоним комил.**

Ҳурматли дўстлар!

Юқорида айтиб ўтилган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги иқтисодий ислоҳотнинг муҳим масалалари, муаммолари ва уларнинг ечими бўйича бугунги мажлис муҳокамасига Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари тайёрланган. Шу қарорларнинг лойиҳалари мутахассислар ва мутасадди ташкилотлар иштирокида вилоят ва туманларда кўриб чиқилди.

Бу қарорларнинг асосий мазмуни ва мақсади нималардан иборат? Келинглар, бир нарсани яхшилаб, узил-кесил англаб олайлик.

Биз кўп тармоқли хўжалик юритишнинг афзалликларини амалда синаб кўрдик. Энди бу тажрибани мамлакат миқёсида ёйиш пайти келди. Янги аграр таркибларда меҳнаткашларнинг ўрни ва таъсири янада ошиши, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва энг муҳими, уни сотишдаги мустақиллиги тўла таъминланиши лозим.

Шу нуқтаи назардан қишлоқ хўжалигини бошқариш таркибида тегишли ўзгаришлар қилишни ҳаётнинг ўзи ва орттирган тажрибамиз талаб қилмоқда.

Хўжаликларнинг молиявий фаолиятларига аралашмаслик ҳақида қўйган талабларимиз бугун фақатгина қоғозда қолиб кетяпти.

**Шунинг учун ҳам, вилоят ва туман деҳқончилик-саноат уюшмалари ва бошқа қишлоқ хўжалик органларининг ҳуқуқларини ва умуман, ички моҳияти ва шаклини қайтадан кўриб чиқишимиз зарур, деб ўйлайман.**

Уларнинг ўрнига хўжаликлар билан шартнома асосида ишлайдиган, хўжаликларга малакали ва моддий ёрдам берадиган ҳиссадор ташкилот хизматларини ташкил этишни замон тақозо қилмоқда.

Ҳақли бир савол туғилади: эски деҳқончилик-саноат уюшмалари агросервис хизматига айлантирилса, улар деҳқонлар билан шартнома асосида ишлаб, уларга техникаю ўғит ва бошқа нарсаларни етказиб беришни зиммага олса, булар ўз хизматларига отасининг нархини қўймайдими? Рақобат бўлмаган жойда техника ёки ўғит арзонлашадими?

Йўқ, бундан хавотир олмаслик керак. Талаб бўлган жойда рақобатчи кучлар ва ташкилотлар албатта пайдо бўлади. Яна бир нарсани айтиш керакки, агросервис ташкилотлари учун шу кунгача мавжуд бўлган ички чегараларни олиб ташлаш мумкин. Дейлик, фермер ёки жамоа хўжалиги ўз туманида агросервис тузган шартнома нархидан қониқмаса, қўшни туман агросервиси билан шартнома тузади. Масалани ечишнинг бошқа йўллари ҳам бор. Умуман, биз тадбиркорлик йўлига қўйилган турли ҳудудий ғовларни йўқотиш, мамлакат ҳудудини яхлит ҳис этиш йўлидан борсак, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Қолаверса, «Ўзқишлоқхўжтаъминоттузатиш» қўмитасининг вилоят ва туман ташкилотлари очиқ ҳиссадорлик жамиятларига айланади ва хўжаликлар ўз навбатида бу жамиятларнинг акцияларини сотиб олиши ва унинг фаолиятида бевосита иштирок этиши мумкин.

Қарорда ҳар қайси туманда шартнома асосида техника хизмати кўрсатиш ва барча қишлоқ хўжалик ишларини бажариш бўйича сервис (хизмат кўрсатувчи) пунктлар очилиши белгиланган.

Ҳар бир туманда жамоа хўжаликларига, кооперативларга, деҳқон хўжаликларига ва шахсий хўжаликларга бир хил кўз билан қарайдиган, моддий-техника ресурслари, эҳтиёт қисмлар сотадиган икки-учтадан ихтисослашган дўконлар барпо этиш назарда тутилган.

Аҳолига қишлоқ хўжалиги экинлари уруғи, кўчатлар, минерал ўғитлар сотувчи дўконлар ташкил этиш ҳам қарорда кўрсатилган.

Жамоа, ҳиссадорлик ва хусусий хўжаликларнинг яна бир муаммоси, ташвиши — кредит масаласини ечиш!

Қарорда тегишли банкларимизга биринчи навбатда деҳқон (фермер) хўжаликларига, кичик корхоналарга, кооперативларга керакли моддий-техника, уруғлик, мол, озуқа ресурсларини сотиб олишлари учун, уларнинг мол-мулкларини гаровга қўйган ҳолда, имтиёзли, чекланмаган миқдорда ва 10 йиллик муддатга кредитлар ажратиш топширилган. Олдинги қарорларда белгиланган кредитлар олиш чегаралари олиб ташланади.

Жуда муҳим масалалардан бири, бу — деҳқон (фермер), ҳиссадор ва хусусий мулк эгалари етиштирган маҳсулотларни эркин (келишилган) нархлар бўйича тўсиқсиз қабул қилиб олишдир. Бу масалани ечишда ҳам мутасадди ташкилотларга етарли ҳуқуқ берилган.

Азиз дўстлар!

Ҳаётимизда кўп учрайдиган яна бир масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Бозор муносабатларининг мазмуни шуки, зарар кўриб ишлайдиган хўжаликлар ўз-ўзидан синади. Агар мавжуд мулкчилик шакли иқтисодий самара бермаса, хўжалик аъзолари қачон нонсиз қолишини кутиб ўтирмасдан, айни хўжаликларни мулкчиликнинг бошқа, фойда ва унум берадиган шаклларига ўтказишга имкон бор. Яна такрорлаб айтаман: қолоқ хўжаликнинг синишини кутиб ўтиришга ҳам, давлат томонидан касалнинг оғзига сув томизгандай дотация бериб ўтиришга ҳам имкониятимиз йўқ. Бундай қилиш бозор иқтисодиёти тамойилларига хиёнат бўлур эди!

Уларни бошқа мулк шаклларига ўтказиб, одамларнинг тадбиркорлик ва меҳнат лаёқатларига кенг йўл очиб беришимиз зарур.

Яна бир муҳим гап: биз шу кунга қадар чорвадор фермер ва пахтакор деҳқон хўжаликларига кўпроқ аҳамият бердик. Боғдорчилик соҳасида ҳам ўзгаришлар бўлди, лекин улар нисбатан кам. Янги ҳужжат бу бўшлиқни ҳам тўлдиради. Боғлар ва узумзорларнинг кичикроқ участкалари асосий фондларини сотиб олиш шарти билан хусусий мулк этиб берилади. Ўйлайманки, бу тадбир ҳам иқтисодий эркинликлар кенгайишига жонли мисол бўла олади.

Чорвадор ва деҳқон фермерларнинг, умуман, қишлоқ хўжалик ташкилотларининг техника таъминоти масалалари қарорларда муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда техника чиқарувчи завод билан хўжаликлар орасида воситачи, эскича айтганда, даллол кўп. То техника деҳқонга бориб етгунча унинг нархи осмонга чиқиб кетади. Қарорга кўра, завод билан харидор ўртасида бевосита алоқа ўрнатилиши лозим.

Давлат буюртмалари ҳақида. Хўжаликларнинг эркинлигини кучайтириш, уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида давлат томонидан белгиланган буюртмалар, пахта, дон, гўшт ва сут маҳсулотларидан ташқари, барчаси бекор қилинади.

Давлат буюртмаси пахта ва ғалла учун 75 фоиз, гўшт ва сут учун 50 фоиз қилиб белгиланади. Келажакда бу кўрсаткичлар яна камайиб боради.

Қишлоқларда жойлашган қайта ишлаш билан машғул кичик корхоналар, ёрдамчи хўжаликлар учун даромад солиғи миқдори тенг ярмига қисқаради. Бу имтиёз эгалари сони яна кенгайиши мумкин. Айни шу тадбирлар, шубҳасиз, ишлаб чиқарувчининг моддий манфаатдорлигини ва иш унумини оширади.

Энг муҳими, ўртоқлар, биз бу қарорларда, бозор муносабатларига ўтиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда назорат этувчи, буйруқ берувчи ва ҳисобот сўровчи турли ташкилотларнинг, биринчидан, сони кескин камайиши, иккинчидан, иш услуби қатъиян ўзгариши кераклигини назарда тутганмиз.

Эски замондан қолган, юқоридан туриб кўрсатма бериб юрган ташкилот ва уларнинг раҳбарларини огоҳлантириб қўймоқчиман:

— улар қонунга ва замонга хилоф иш ҳамда тажрибалардан воз кечсинлар, ўша эски пайтларни ҳавас ҳам қилмасинлар! Жазоси қаттиқ бўлади. Буни олдиндан айтиб қўйишимиз керак.

Қишлоқ хўжалигида бевосита ишлаб чиқарувчининг ўзи хўжайин бўлиши шарт. Унинг хўжалик ва молиявий фаолиятига бировларнинг ортиқча аралашувига йўл қўймасликни қаттиқ назоратга олишимиз керак.

Муҳтарам дўстлар!

Кейинги икки йилда ҳаёт бизни кўп машаққатли синовлардан ўтказди, кўп қийинчиликларга дучор қилди. Бунга чидаганлар ҳам бўлди, чидамасдан ўзини четга олганлар ҳам бўлди. Бир четкада, тўшакни қалинроқ солиб, ўтмиш қачон қайтаркин, деб кутиб ётганлар ҳам бўлди.

Эски тизим ва эски ҳаётни қўмсаётган шахсларга аниқ жавоб беришимиз керак, деб ўйлайман.

Бугун биз ўзимизни анча тутиб олдик, қаддимизни анча ростладик, анча тажрибага эга бўлдик. Ўзбекистон учун олға юришдан, ислоҳотни изчил амалга оширишдан ўзга йўл йўқ. Буни каттаю кичик — ҳаммамиз англаб олишимиз лозим.

Халқимиз ислоҳотни қўллаб-қувватлаб, фаровон ҳаётга эришиш мақсадида белини қаттиқ боғлаб меҳнатга киришди.

**Ислоҳотларимизнинг муваффақияти барчамизнинг тақдиримизни ва келажагимизни ҳал этади.** Мана шу олижаноб меҳнатингизда ҳаммангизга доим омад ёр бўлсин! Юртимиз тинч ва омон бўлсин!

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Швеция Қироли Карл XVI Густаф ҳазрати олийлари Янги йил муносабати билан сизга энг яхши тилакларини изҳор этади.

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД БАЪЗИ ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Давлат назорати тизимини янада такомиллаштириш, уни бозор муносабатлари талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, назорат қилувчи органлар ишидаги параллелчиликни бартараф этиш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 21-бандига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари тугатилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг девонида Назорат инспекцияси ва тегишли равишда вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг аппаратлари таркибларида назорат инспекциялари ташкил этилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқарғи Кенеси аппаратида ҳам назорат инспекциясини ташкил этиш зарур деб топилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Назорат инспекциясининг раҳбари айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, фармойишлари ва ҳукумат қарорлари ижроси устидан таъсирчан назоратни ташкил этиш, назорат органларининг ишидаги параллелизм ва такрорлашни бартараф қилиш, республикада бозор муносабатлари воситаларини рўёбга чиқаришга ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган таклифларни тайёрлаш янги ташкил этилган инспекциялар фаолиятининг асосий вазифаси деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида назорат инспекциялари ходимларининг сони, уларни таъминлаш учун зарур маблағлар ҳамда тугатилган давлат назорати қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари мулкидан фойдаланиш тўғрисидаги таклифларни тайёрласин.

6. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда 10 кун муддат ичида назорат инспекциялари тўғрисида низом лойиҳасини, шунингдек амалдаги қонунларни ушбу фармонга мувофиқ ҳолга келтиришга оид таклифларни ишлаб чиқиб, тақдим этсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

**Тошкент шаҳри, 1994 йил, 16 февраль.**

---



**Халқободдаги марказий район шифохонасидаги дорихонада Вазира Қосимова анча йиллардан бери хизмат қилади. У тайёрлаётган турли хилдаги дори-дармонлар беморлар дардига малҳам бўлмоқда.**

**СУРАТДА: В. Қосимова.**

М. БОЛТАБОЕВ сурати.

---

### САМАРАДОРЛИК ОРТДИ

Италия технологиясининг жорий этилиши Нукус мармар ва гранит заводида меҳнат самарадорлигининг ортишига сабаб бўлди. Энди бу ерда йилига 70 минг квадрат метр мармар, 7 минг квадрат метр гранит плитаси тайёрланмоқда. Маҳсулотлар республикадан ташқари Россия Федерацияси ва Туркманистонга ҳам жўнатилмоқда.

### ЯНГИ МУКОФОТ

**Яқинда Шаҳрисабз тумани ҳокимлиги ташаббуси билан «Шаҳрисабз» деб номланган мукофот таъсис этилди. Бу мукофотни кўҳна ва навқирон шаҳри Кешнинг қадимий шуҳратини тиклаш, унинг бугун обод ва кўркам бўлиш ишига, ҳисса қўша олган кишиларгина олиши мумкин.**

**«Шаҳрисабз» мукофотининг соҳиблари шу йилдан эътиборан ҳар йилнинг муборак Наврўз кунларида маълум қилинади.**

**(Ўз мухбиримиз).**

### МАСЛАҲАТЛАШИБ ОЛИШДИ

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Тошкент шаҳар қўмитаси билан республика Талабалар жамғармаси пойтахт олий ўқув юртлари ёшлар ташкилотлари етакчиларининг учрашув-семинарини ўтказди. Унда Тошкент шаҳар олий ўқув юртлари ёшлар ташкилотларининг ўрни, талабаларнинг таълим-тарбияси, дам олиши, уларнинг ижтимоий масалаларини ҳал этиш, маданий тадбирлар ташкил этиш сингари муаммоларни ҳал этишда ўзаро ҳамкорлик масалалари борасида фикр алмашилинди.

Семинарда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг котиби Б. Юсупов, Ёшлар Иттифоқи Тошкент шаҳар қўмитасининг биринчи котиби Ж. Ҳакимов иштирок этди.

**Рустам ҚОБИЛОВ.**

### МИРЗАЧЎЛ УЧУН «ПЕПСИ-КОЛА»

Гулистонда чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқарадиган завод қурилмоқда. У Германиядан келтирилган технология ускуналари билан тўла жиҳозланади. Бу ҳақда немис фирмалари билан шартнома тузилган.

Янги корхона шу йилнинг бошларида савдо тармоқларига дастлабки маҳсулотни асосан «Пепси-кола» чиқаришни режалаштирмоқда. Завод келгуси йилнинг бошларида тўла қувват билан ишлай бошлайди.

### БОҒЧАДА — НЕМИС ГУРУҲИ

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 506-б о л а л а р боғчасида ўтган йили немис гуруҳи ташкил этилган эди. Ҳозир унда 25 бола тарбияланмоқда. Гуруҳда немис миллатига мансуб фуқароларнинг фарзандларидан ташқари, ана шу халқ урф-одатлари, тилига рағбат билдирган ўзбек оилалари болалари ҳам бор.

Пойтахтдаги немис маданияти маркази гуруҳни керакли қўлланмалар билан таъминлашда боғча маъмуриятига кўмак беряпти. Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари тарбияланувчилар ҳузурида бир неча учрашув ўтказди.

**«Тадбиркор-94»**

# ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ, ҚОР ЁНАДИ...

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИГА ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК КЕТМОҚДА**

**Омонулла НИҒМАТОВ, «Интер—Ўзбекистон» ташқи иқтисодий илмий-ишлаб чиқариш савдо бирлашмаси Бош директори, Ўзбекистон Республикаси муҳандислар академиясининг мухбир аъзоси, «Тадбиркор-94» республика илмий-амалий кенгаши Бош ҳомийси.**



— Андижон вилояти Ёшлар Иттифоқи кенгаши раиси Нозимжон Ашуров ҳузуримга келиб, «Тадбиркор-94»ни ўтказиш ниятидалигини айтганида, хурсанд бўлиб кетдим. Унга ва у етакчилик қилаётган жамоага ихлосим ортди. Анжуманни маблағ жиҳатидан қўллаб-қувватлашни зиммамизга олдик. Бу билан биз Президентимиз олиб бораётган сиёсатни маъқулладик. Тўғри йўл тутдик.

Хазина бой бўлса, эл обод бўлади. Бу ишни эса тадбиркорлар ёрдамида рўёбга чиқариш мумкин. Ахир улар кенг жабҳада иш олиб борса, халққа яхши бўлмайдими? Нега мен тадбиркорликни қўлламайин? Бутун республика ишбилармонлари Андижонга йиғилса, бундан биз ҳам фойда, ҳам баҳра оламиз.

Халқимизнинг маданий-маърифий юксаклиги, олиму фузалоларининг етуклиги шу юртнинг ишлаб чиқариш муносабатларига боғлиқ бўлиб қолди. Заводи, фабрикаси, ишлаб чиқариш корхоналари бўлган юрт фаровон бўлади.

Халқнинг яхши яшашини таъминлайдиганлар, юртига меҳр қўйганлар, ривожланиш даражасига олиб чиқадиганлар — тадбиркорлардир. Шу боисдан ҳам четда қўл қовуштириб туролмадик.

**Рустамжон ИБРОҲИМОВ, Андижондаги «Намуна» савдо-саноат бирлашмаси Бош директори ўринбосари, трикотаж-тикув фабрикаси директори.**



— Андижонга республика тадбиркорлари йиғилаётганини эшитиб, бошимиз кўкка етди. Уларнинг бирлашмамизга ҳам ташриф буюриши, жуда зўр иш бўлибди. Ишонаманки, бу шунчаки учрашув бўлиб қолмайди. Унга ташриф буюрганлар ўзлари учун нимадир олиб кетади.

Бирлашмамиз кенг қамровли. У хусусий тарзда иш кўради. Бирлашманинг Бош директори дадам. У кишининг исмлари Зокиржон. Ишларимиз ёмон эмас. Кўп соҳаларда яхши натижаларни қўлга киритаяпмиз. Унум юқори. Бу албатта ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Тўғри, хом ашё бугунги кунда асосий муаммолардан бири бўлиб турибди. Вакилларимиз Тошкент, Бухоро каби бир қанча шаҳарларга бориб, бу ишнинг уддасидан чиқишаяпти. Асосан, мол айирбошлаш билан хом ашё олаяпмиз. Албатта бунда вилоят ва шаҳар ҳокимиятининг бераётган кўмаги бизни руҳлантирмоқда.

Бирлашмамизнинг Россияда, Самарқандда, Наманганда, вилоятимизнинг бир қанча шаҳар ва туманларида ўз корхоналари фаолият кўрсатаётир. Москвада Россия билан алоқани мустаҳкамлаш мақсадида алоҳида ҳисоб рақамини очганмиз. У ерда вакилимиз ишлаб турибди.

Ишчиларимизни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Янги йилда ходимларимизга ўн миллион сўм ҳажмида ёрдам пули тарқатдик. Шу билан бирга телевизор, термос, дазмол... ҳамда қимматбаҳо материаллар ҳадя этдик. Бу бир жиҳатигина, холос. Ваҳоланки, мақтанмоқчи эмасмиз. Қилинган ишни ўз ўрнида айтиш, менимча ўринли.

Режаларимиз катта. Ҳозирнинг ўзидаёқ бирлашмада улкан қурилиш ишларини олиб бормоқдамиз. Келажакда пахтадан тайёр маҳсулотгача бўлган жараённи ўзимизда қўллаймиз. Яна Ўзбек—Турк қўшма корхонасини очиш пайидамиз. Туркиядан гилам фабрикасининг тўла технологиясини (асбоб-ускуналари билан) Андижонга кўчириб келиш илинжида ҳаракат қилмоқдамиз. Бу эса ўнлаб кишиларни иш билан таъминлайди.

Бир сўз билан айтганда, ишимиз кўп. Режаларимиз улкан. Мақсад эса —ягона. Танти ўзбек халқига имкон қадар хизмат қилиш.

**Дил сўзларини Муҳаммад АМИН ёзиб олди.**

# «Ҳеч ким ҳавасга ишламайди»

ҲАММА ДАВРДА ҳам катталар ёшлардан нолишган. Буни фақат инсонгагина хос бўлган табиатдан деб қарамоқ лозим. Ҳар бир авлод ўзидан кейин келаётганларни янада тўкисроқ, мукаммалроқ кўришни истайди. Шу ниятда уларни тергайди, уришади. Йўқса...

Узоққа бориб ўтирмай, асрларга тенг ўзгаришлар, силсилаларга бой бугунги кунимизни олайлик. Ёшлар етарлича «калтакланяпти». Ва албатта бекорга эмас. Тўғри, осон пул топишнинг пайига тушган, қай йўл билан бўлмасин енгилроқ ишнинг этагидан тутишга интилаётганлар анчагина. Бироқ, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида, оғир ва енгил саноатимизнинг ривожига ҳалол хизматлари билан ҳисса қўшаётган оловқалб ёшларимиздан кўз юммоқликка ҳаққимиз йўқ.

Навойи шаҳридаги гўшт ишлаб чиқариш комбинати ҳақида эшитганлар кўп бўлса керак. Чунки бу жамоа қўлга киритган кўрсаткичлар уларнинг кейинги йилларда республикада етакчи ўринларни эгаллаб келаётганини исботлайди. Шунингдек, комбинатда ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Ахир юзлаб мол сўйиш, тонналаб гўшт чиқариш айтишга осон. Бу меҳнатнинг машаққатига ҳамма ҳам чидайвермайди.

Очиғи, комбинатда Ёшлар Иттифоқининг бошланғич ташкилоти борлиги, унга 80 нафарга яқин ёш аъзо эканлиги менга янгиликдек туюлди. Аммо ташкилотда амалга оширилаётган ишлар билан танишиб қойил қолдим. Ёшлар Иттифоқи бошланғич ташкилоти котиби (айни пайтда гўшт омбори мудири) Истам Нарзиев истараси иссиқ, одамохун йигит экан. Гап-сўзлари жўяли. Энг муҳими, ўзининг фикрига эга.

— Бу ерда ҳеч ким ҳавасга ишламайди. Меҳнатимиз оғир. Баъзан мол сўйиладиган кунлари тонггача қолиб кетамиз, — дейди у. — Бир сўз билан айтганда, бизда иш вақти чекланмаган. Аҳолига гўшт керак. Шундай бўлгач, турли савдо ва бошқа муассасаларга гўштни ўз вақтида етказмасак бўлмайди. Юринг, яхшиси ишларимизни ўзингиз кўрасиз.



Бизга тарозибон Мухтор Аҳадов ҳам ҳамроҳ бўлди. Комбинатни айландик. Ишчи-хизматчилар билан танишдик, гаплашдик. Махсус кийимлар кийган йигитларнинг уддабуронлик билан бажараётган ишларини кўриб гўшт дўконларга ўз-ўзидан бориб қолмаслигини тушундим. Бу ерда ишлаб нон топиш, ҳар қалай, уззукун тижорат дўконида ўтириш ёки чайқовчилик дардида шаҳарма-шаҳар санғиш эмас экан.

— Директоримиз Субҳон Тиллаев ишнинг кўзини биладиган раҳбарлардан, — дейди Мухтор ака. — Комбинатимиз қошида ишчиларни иссиқ овқатига зарур маҳсулотларни етказиб берадиган ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилган. Қўй, эчки, ҳатто қорамол боқилади. Иссиқхонада қишин-ёзин сабзи, пиёз, карам ва турли кўкатлар етиштирилади.

Ҳа, ҳар қандай жамоанинг ютуғида раҳбарнинг тадбиркорлиги алоҳида ўрин тутади. Субҳон Тиллаевнинг барча ташаббусини комбинатда ҳамма бирдек қўллаб-қувватлайди. Комбинатда иқтисодий аҳволни яхшилаш учун тижорат бўлими очилган. Тўғридан-тўғри МДҲ ва хорижий давлатлардан келтирилаётган халқ истеъмоли моллари аввало ишчи ва хизматчиларга, ортиқчаси эса махсус дўконлар орқали шаҳар аҳолисига сотилади. Комбинат қошида тез орада колбаса ишлаб чиқарадиган ва пўстин тикадиган цех ишга тушириш мўлжалланган. Бу яна кўплаб ёшлар иш билан таъминланади, дегани.

Комбинатга кираверишда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи аъзоси Карим Аҳадов сотувчилик қилаётган «Барака» деб номланган дўконга кўзим тушганди. Суриштириб, комбинатга қарашли гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан савдо қиладиган бундай дўконлар 15 тага яқин эканини билдим.

— Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қийинчиликлар бўлиши табиий. Биз ишчи ёшларимизни ўзимиз ижтимоий ҳимояга олганмиз, — дейди Истам. — Уларга навбати билан уй, қолаверса, музлатгич, телевизор ва бошқа ноёб моллар берилаяпти. Янги турмуш қурган келин-куёвларга яшаш шароитларини ҳисобга олиб 500 мингдан 1 миллион сўмгача ёрдам пули ажратилади. Ташкилотимиз ташаббуси билан катта боғ ташкил этгандик. Эндиликда фин ҳаммоми, чойхона, спорт зали қурилишини тезлаштириш ниятидамиз. Режаларимиз мўл.

Инсоннинг асли табиати шундай: ҳар вақт янги ва янги режалар билан яшаш. Бир кун қарасанг, ёш ҳам бир жойга бориб, ўғил-қизларинг вояга етиб қолган. Уларнинг келажагига умид ва хавотир билан қарайсан. Эҳ, ҳозирги ёшлар, дейсан. Ҳаёт эса ўз маромида давом этаверади.

**Сирожиддин РАУФ, «Туркистон» мухбири.**

**Ҳадемай баҳор келади**

# ВАТАНИМИЗНИ БОҒ-РОҒЛАРГА БУРКАЙЛИК

Аввал хабар қилганимиздек, бухоролик ёшларнинг «Ҳар бир ёшга—бир кўчат» ташаббуси Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи томонидан маъқулланди. Хайрли бу ният мамлакатимизнинг навқирон насли дилида азму шижоат уйғотди. Уларнинг мақсади — «Мустақиллик», «Туркистон», «Ёшлар боғи», «Амир Темур» каби номлар остида қатор янги боғлар барпо этиш, Ватанимизни боғу-бўстонга буркашдир.

Таҳририятимизга ёғилиб келаётган хат ва хабарлар, телеграммалар шундан далолат беради.

## Навоийда «Туркистон»...

Баҳорда кўчат экиш, уларни парваришлаш, халқимизнинг азалий удуми. Бобомиз соҳибқирон Амир Темур ҳам Самарқандда бир қанча боғлар барпо қилганлар. Шунинг учун ҳам «яхшидан боғ қолади», дейишади. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг атрофни кўкаламзорлаштириш ҳақидаги ташаббуси бизни руҳлантириб юборди. Бу борада бизнинг ҳам режаларимиз бор. Вилоятимизда «Туркистон» газетаси» боғини ташкил қилмоқчимиз. Бу боғ навоийлик «Туркистон» муштарийларининг оромгоҳига, турли масалалар ва мавзуларда тадбирлар, қолаверса, газета ижодкорлари билан яқиндан мулоқотда бўлиб, учрашувлар ўтказадиган манзилга айланади, деб ўйлаймиз.

**Улуғбек МУСАЕВ, Ёшлар Иттифоқи Навоий вилояти қўмитасининг биринчи котиби.**

## ...Жиззахда «Мустақиллик» боғи

Қўлингдан келганича яхшилик қил, дейди халқимиз. Мен Республика Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг кўкаламзорлаштириш ҳақидаги ташаббусини эзгулик йўлидаги қадам, деб ҳисоблайман.

Вилоятимизда салқин гўшалар талайгина. Биз ҳам бу ташаббусга қўшилган ҳолда, Жиззах шаҳри марказида «Мустақиллик боғи»ни ташкил қилмоқчимиз. Республикамиз экологияси, табиатини ўйлаган ҳар бир ёш учун боғлар яратиш ҳам қарз, ҳам фарздир. Мустақил давлатимизнинг келажаги, унинг гуллаб яшнаши бир томондан шунга ҳам боғлиқ. Табиати гўзал юртга кимлар ошиқ бўлмайди дейсиз? Қадимда юртимизнинг шон-шуҳрати бутун дунёга машҳур бўлишида унинг иқлими, табиатининг гўзаллиги сабаб бўлган, деб ўйлайман. Келинг, биз ҳам кўчат экиб, боғ яратайлик.

**Комилжон АБДУСАТТОРОВ, Ёшлар Иттифоқи Жиззах вилояти қўмитасининг биринчи котиби.**

## ТАШАББУСГА ҚЎШИЛАМИЗ

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир ёши келажагимизнинг тамал тоши қўйилишига ўз ҳиссасини қўшиш учун сидқидилдан меҳнат қилаяпти. Ахир ёшлар жаннатмакон шу диёримизнинг келажак эгалари эканликларини дилдан англайдилар. Шунинг учун ҳам ҳар соҳада ташаббускор бўлиш, мамлакатимиз қудратига-қудрат, бойлигига-бойлик қўшиш ҳар бир йигит-қизнинг нияти.

Фарғона вилояти азал-азалдан ўзининг боғлари, ширин-шакар мевалари билан етти иқлимга танилган. Шундан ҳам Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси котибияти томонидан маъқулланган Ёшлар Иттифоқи Бухоро вилояти йигит-қизларининг «Ҳар бир ёшга — бир кўчат» ташаббусига биринчилар қаторида қўшилди. Ҳар баҳорда яхши ният билан мевали кўчат ўтқазиш азалдан наслдан-наслга ўтиб келаётган ажойиб анъана. Инсон учун ўзи ўтказган мевали дарахт нишонасидан тотиб кўриш, соясида ҳордиқ чиқаришнинг гаштига нима етсин.

Ёшлар Иттифоқи Фарғона вилояти қўмитаси котибияти 15 мартдан 1 апрелгача кўчат ўтқазиш ўн беш кунлигини эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарорни вилоят ҳокимияти ҳам маъқуллади. Шаҳар, туман ҳокимиятларига Ёшлар Иттифоқи бошчилигида ўтадиган мевали ва манзарали дарахтлар ўтказиш ўн беш кунлигида ҳар жиҳатдан амалий кўмак кўрсатишлари лозимлиги ҳақида хат йўлланди.

Вилоятимиздаги ҳар бир ёш бу ташаббусга амалий иш билан жавоб бераржагини изҳор этаяпти. Вилоятимизда 150 минг Ёшлар Иттифоқи аъзоси, 30 ёшгача бўлган 250 мингдан зиёд йигит-қиз бор. Улар кўчат ўтқазиш ўн беш кунлигида кам деганда 500 минг туп нав-ниҳол ўтқазишга, вилоятимизнинг барча туманларида «Ёшлар боғлари» ташкил этишга азму-қарор берганлар. Бу боғлар келажак насллар учун истиқлол ва мустақиллик учун сидқидилдан меҳнат қилаётган ёшларимиздан ажойиб мерос бўлиб қолиши шубҳасиздир.

**Равшан АЛИМАТОВ, Ёшлар Иттифоқи Фарғона вилояти қўмитасининг котиби.**

**Энг сўнгги хабар**

### НАФАҚАТ ҚЎЙ ТЕРИСИ ОШЛАНАДИ, БАЛКИ...

Қайта ишлаб пўстин, нимча (енгсиз пўстин) ва бошқа ҳаётий зарур моллар тикиб тайёрланмоқда. Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги «Деҳқонобод» жамоа хўжалигида бундан ташқари яна иккита тармоқда гилам тўқилаётир. «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда юзага келган тўқув тармоғига дастгоҳ ва хом ашё Навоийдан келтирилади. Ҳозирча эркак ва аёллар, болалар учун иссиқ кийим-кечак тўқилиб, аҳолига арзон баҳода сотиляпти. Бу хайрли ишларнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, хўжаликда рентген, тиббий кўрик, физиотерапия, гинекология бўлимлари мужассамлашган 2 қаватли шифо масканини бунёд этиш лойиҳалаштирилди, демак яқин вақтларда беморларнинг узоғи яқин бўладиган...

### ГЎДАКЛАР УЧУН...

«Зулайҳо» номли кичик корхонага олиб келинган 12 та дастгоҳда сифатли тикилган, камёб болалар кийим-кечаги йиғмаси (комплект) ишлаб чиқарилаётир. Паркент туманидаги чақалоқларнинг ота-онаси «Новда» қишлоғида ташкил топган кичик корхонанинг ишидан хурсанд.

### ҚАТТАҚЎРҒОНДАН ОТИЛГАН СУВ ЁКИ...

...Омади юришган Каттақўрғон яхна ичимликлар ишлаб чиқариш тармоғи бундан буён 48 даража иссиқликда ер қаъридан чиққан табиий гейзернинг минерал сувини «Каттақўрғон» номи билан ишлаб чиқаради. Мисрнинг «Дельта интернейшнл» компанияси лицензияси асосида улар билан тузилган шартномага мувофиқ янги турдаги кучли газлашган хуштаъм маҳсулотлар дўкон пештахталарини безай бошлади. Олмониянинг «Пепси-кола» фирмаси билан келишув ҳам самарали, чунки замонавий ускуналар ўрнатилса лаззатли ичимликларнинг сифати ошади, шунингдек турли сиғимдаги бежирим идишларга қуйилади. Ичимликларнинг номи ҳам ранг-баранг, энг чиройлиси эса «Регистон»

**Тўлқин ЕРҚУЛОВ. «Туркистон» мухбири.**



ПОЙТАХТНИНГ «СЕБЗОР» МАВЗЕСИДАГИ 46-ЎРТА ҲУНАР ТЕХНИКА-БИЛИМ ЮРТИ ТАЛАБАЛАРИ ҲАЁТИДАН ЛАВҲАЛАР.
Ш. ИБРОҲИМОВ сурати.

**Долзарб мавзу**

# МЕЪЁР БОР ЖОЙДА—БАРАКА БОР

Тежамкорлик — халқимизнинг азалий одатларидан. Бу фазилат бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги даврда бениҳоя қадрлидир. Динимиз асоси —Қуръони каримда ҳам: «Енглар, ичинглар, аммо исроф қилманглар, чунки Оллоҳ таоло исроф қилувчиларни хуш кўрмайди», деб тежамкорликка даъват этилади. Зеро, исрофгарчилик бор жойдан барака кўтарилади. Афсуски, шўро замонидаги боқимандалик кайфиятининг нуқси халқимиз руҳига ҳам урмай қолмади. Бугун тўй-маъракаларимиздаги ортиқча дахмазаларни кўриб, дилимиз ранжийди. Кўп меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилнинг тенг ярми гоҳо далада қолиб кетаётганини ўйлаб, ташвишга тушамиз.

Хуллас, исрофгарчилик чек билмай қолди: баъзан дастурхонга бисёр таом тортиб, ортиб қолганини тўкиб ташлаймиз, гоҳида сочилиб ётган нон увоғига парво ҳам қилмаймиз. Сувни беҳуда оқизиб, чироқни вақт-бевақт ёқиб қўйиб, ҳаддидан ортиқ таом еб, вақтни ғанимат билмаймиз... Боз устига, кўпчилик бундай исрофгарликни мусулмончилик тақозоси, деб тушунади. Бу мутлақо нотўғри! Қуръони каримда зикр этилган: «Оллоҳ таолонинг шундай бандалари борки, улар садақа, эҳсон ёҳуд бирор бир инъом қилмоқчи бўлса, ҳаддидан оширмайди, ўта бахиллик ҳам қилмайди, балки ўртача йўл тутиб, мўътадил сарф қилади». Аён бўладики, ҳатто ҳайру-эҳсон қилганда ҳам меъёрни билиш зарур экан. Оллоҳ таоло яна бандаларига хитоб қилиб: «Агар сизга берган неъматларимга шукр этсангиз, мен уларни бундан ҳам зиёда қилавераман, агарда куфурга берилиб, ношукрлик кўрсатсангиз, огоҳ бўлингким, бунга жуда қаттиқ жазоларим ва азобларим бор», — дейди. Демак, Оллоҳ неъматини исроф қилгувчиларни дўст тутмайди.

Бойликда ҳам фақру фано расмида ҳам, ҳатто ибодатда ҳам ўртача йўл тутиб, тежамли бўлиш Оллоҳга ҳам, бандага ҳам хуш келади.

Ҳадиси шарифда тадбирли бўлиш — тирикчиликнинг ярим илмига тенгдир, дейилади. Чиндан ҳам, тадбиркорлик беҳад улуғ фазилат. Инсон тадбиркорлик билан наинки оиласию қавм-қариндошининг, балки мамлакатию-жамиятининг ҳам фаровонлигини таъмин этади.

Боя айтганимиздек, бугунги кунда айрим кимсалар кўра-билатуриб, халқ мулкини беҳуда сарф этмоқда. Бу эса кўнгилсиз оқибатларга, дилхираликларга, турли ижтимоий иллатларга сабаб бўлмоқда. Оила ва жамиятга маънан салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳозир мамлакатимизга ғалла тилло баҳосида олиб келинаётир. Шунга қарамай, нон исроф бўлмоқда. Ваҳоланки, «Нонни ҳурмату эъзоз қилинглар», деб буюрганлар пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом.

Пешона тери билан пул топган кишиларга тўй қилиш, маърака ўтказиш осон эмас. Бугунги шароитда пул топилгани билан нарса топилмайди. Аммо шу замонда ҳам топганини арoғу винога сарф этаётганлар, пул сочиб, обрў оламан деб юрганлар кам эмас. Бу — жаҳолат ва хурофот белгиси. Бу — маданиятсизликдир.

Ана шундай номарғуб ишларни назарда тутиб ҳамда жамоатчилик фикрини эътиборга олиб, республика диний ишлар қўмитаси қуйидагиларни арзи изҳор этмакка жазм қилди:

Тўю маъракалардаги беҳуда дабдабабозликлар ҳар бир оила ва ҳар бир фуқаро ризқига зарар етказади. Бу — Ислом таълимотига, жамият қоидаларига ҳам зиддир. Шу боис, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида фаоллар ва масжидларнинг имомлари бу савоб ишларга бош бўлиб, тўй-маъракаларни ихчам ва камхарж ўтказишга кўмаклашсалар, айни муддао бўлур эди. Мазкур масалада матбуот, радио ва ойнаи жаҳонда фикрлар билдириб, омма эътиборини жалб этиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай тадбирлар фақат масжид ёҳуд тор доиралардагина қолиб кетмасин десак, унга ижод аҳли, зиёлилар ҳам қўшилмоқлари зарур.

Исломга зид баъзи бидъат ва хурофотлар, афсуски, халқ анъаналари ниқоби остида ҳануз яшаб келмоқда. Диний маърака ва худойиларда кўп харажат эвазига катта дастурхонлар ёзилмоқда. Энди бу иллатлардан тийилиб, хориждаги диндошларимиз тажрибасидан ўргансак чакки бўлмайди. Бугунги кунда кўпгина мамлакатларнинг мусулмонлари никоҳ тўйларига тумонат одамни таклиф қилмайди. Қариндош-уруғ ва яқин дўстларини, қўни-қўшниларни чақириб зиёфат беради, холос. Саудия Арабистони ва Мисрда меҳмон олдига катта дастурхон ёзиш расми йўқ. Улар маросим ва худойиларга кетадиган маблағни хоҳ тўйники, хоҳ азаники бўлсин, етимхона, касалхона ва эҳтиёжманд жамоаларга, муҳтож оилаларга беради. Бу оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилади. Шу тариқа, беҳуда гап-сўз тарқатиб, маломат қилувчи кишиларнинг таъна-товонларидан халос бўлинади. У ерларда бошига жудолик тушган оилаларга масжид ёки бошқа қулай жойда таъзия билдирилади. Уларда 20, 40 ва йил оши деган одатлар йўқ. Миср Республикасида таъзияга келувчиларга бир пиёла чой ёки кофе тутилади, холос. Шариат ҳам шуни талаб қилади. Унга кўра, таъзия учун ҳар доим ҳам марҳумнинг хонадонига бориш шарт эмас. Ишхонада ёки йўлда учрашиб қолинганида, ёки бўлмаса, телефон орқали ҳамдардлик билдириш, таскин бериш ҳам мумкин. Шунингдек, марҳумнинг хонадонида ҳар ҳафта худойи ўтказиш ҳам ортиқчадир. Ислом ҳукми бўйича, оила аъзолари ва қавму қариндошлар марҳум руҳига Қуръон тиловат қилиб қўйсалар, кифоядир.

Энди, бизнингча, урф-одатларимизни тартибга солиш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш вақти етди. Кўп жойларда келинга қалин тўлаш урфи ҳозиргача мавжуд. Ислом буни қатъий қоралайди, одам боласини пулга сотиш деб ҳисоблайди. Аслида, бу одат XIII асрда мўғуллардан кириб келган. Унинг мусулмончиликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу ҳол ёшларнинг вақтида уйланиб, рўзғор тебратишига тўсиқ бўлаётир.

Маърака-маросимларимизни иложи борича камхарж қилиб ўтказишда маҳаллий ҳокимият идоралари, жамоат ташкилотлари ва дин пешволари бақамти иш юритсаларгина кутилган натижага эришилади, деб ўйлаймиз.

Давлатимиз фуқаролар турмуш даражасини яхшилаш учун жуда катта иқтисодий тадбирларни амалга ошираётган бир пайтда, биз ҳам тежамкор бўлсак, исрофгарчиликка йўл қўймасак, фаровон кунларни яқинлаштиришга ҳисса қўшган бўламиз.

**Убайдулла УВАТОВ, республика Вазирлар Маҳкамаси Ҳузуридаги диний ишлар қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари.**

(ЎзА).

